



Ҳадисада Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ, ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйида ёки бозорида ўқиган намозидан иигирма беш марта ортиқ бўлади, сабаби агар у таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, сўнг фақат намоз қасди билан масжидга чиқса, ҳар бир босган қадами баробарида бир даража юксалтирилади ва битта хатоси ўчирилади. Агар намоз ўқиса, то намозгоҳида ўтирад экан, фаришталар унга: “Эй Аллоҳ, уни ўзинг мағфират қил, унга ўзинг раҳм қил” деб дуо қилиб туришади. Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирад экан, намозда тургандай (савобга эга) бўлади».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ, ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кишининг жамоат билан ўқиган намози уйида ёки бозорида ўқиган намозидан иигирма беш марта ортиқ бўлади, сабаби агар у таҳорат олса ва таҳоратини мукаммал қилса, сўнг фақат намоз қасди билан масжидга чиқса, ҳар бир босган қадами баробарида бир даража юксалтирилади ва битта хатоси ўчирилади. Агар намоз ўқиса, то намозгоҳида ўтирад экан, фаришталар унга: “Эй Аллоҳ, уни ўзинг мағфират қил, унга ўзинг раҳм қил” деб дуо қилиб туришади. Биронтангиз (масжидда) намозни кутиб ўтирад экан, намозда тургандай (савобга эга) бўлади».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ,



ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар одамлар аzon ва биринчи сафнинг фазилатини билишганда эди, унга эришиш учун қуръа ташлашдан бошқа йўл топмасалар, албатта қуръа ташлаган бўлишарди. Агар намозга эрта келишнинг фазилатини билишганда эди, ким ўзарга келган бўлишарди. Агар хуфтон ва бомдод намозининг фазилатини билишганда эди, бу икки намозга эмаклаб бўлса-да, келган бўлишарди», дедилар.

Шарҳ:

Намозга эртароқ бориш - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тарғиб қилган амаллардан. Ул зот, шунингдек, мусулмон киши масжидда намозни кутиб ўтирас экан, уни масжидда ушлаб турган нарса намоз бўлгани учун шу ўтирганига ҳам намозда тургандек ажр олишини хабар берганлар. Яна айтганларки, агар инсонлар намозга эртароқ бориш билан топиладиган савобнинг нақадар улуғлигини билишганида эди, бу савобга етиш учун ким ўзарга мусобақа ўйнашган бўлишарди.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Намозга эрта боришнинг фазилати улуғдир.
2. Намозни кутиб ўтиришнинг савоби намозда турганинг савоби билан баробар.
3. Аzon айтиш ва биринчи сафда туришнинг чексиз фазли бор.